

МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

Акратова Шахноза Ганишеровна -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
ИТМ, сектор мудури ўринбосари, PhD

Аннотация: Мақолада жаҳон меҳнат бозорида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда республикада аҳолининг иқтисодий фаоллик даражасини ошириш имкониятлари тадқиқ этилган, шунингдек, замонавий демографик тенденциялар шароитида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари таклиф этилган.

Таянч сўзлар: меҳнат бозори, иқтисодий фаол аҳоли, иш билан бандлик, ишсизлик, малака, кўникма, иқтисодий фаоллик даражаси, тадбиркорлик.

Аннотация: В статье исследованы возможности повышения уровня экономической активности населения в республике с учетом изменений на глобальном рынке труда, а также, предложены направления эффективного использования существующего потенциала в условиях современных демографических тенденций.

Ключевые слова: рынок труда, экономически активное население, занятость, безработица, квалификация, навыки, уровень экономической активности, предпринимательство.

Annotation: The article explores the possibility of increasing the level of economic activity of the population in the republic, taking into account changes in the global labor market, and also suggests ways of effectively use of the existing potential in the context of modern demographic trends.

Key words: labor market, economically active population, employment, unemployment, qualifications, skills, level of economic activity, entrepreneurship.

Ҳозирги даврда жаҳонда меҳнат бозорида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Юқори ва қуйи малака талаб этувчи иш ўринлари орасида меҳнат бозоридаги кутбланиш, ишсизлик ва тўлиқ бўлмаган бандлик, хусусан ёшлар орасида ва аксарият уй хўжалиқларининг даромадларининг стагнациялашуви ўсиб бормоқда. Миграция ва унинг иш ўринларига таъсир этиш масалалари кўплаб ривожланаётган, ҳамда ривожланган мамлакатларда сиёсий масалага айланиб бормоқда. Замонавий шароитларда техника-технологиялар ривожланаётган даврда етарлича миқдорда янги иш ўринларини яратиш тобора мушкул бўлиб бориб бормоқда. Автоматлаштиришнинг кенг миқёсда тараққий этиши, робототехника ва сунъий интеллект кабиларнинг ривожланиши меҳнат унумдорлиги ва умумий самарадорликнинг ошиши, ҳавфсизлик ва қулайликларнинг кенгайишини келтириб чиқариши билан бирга, иш ўринларининг автоматлаштирилиши, меҳнат хусусиятининг ўзгариши, малака ва иш ҳақиға ўз таъсирини ўтказди. Жаҳонда борган сари иш излаш, иқтидорларни танлашнинг электрон шакли кенгайиб бормоқда. Мустақил иш изловчилар ҳам ўз меҳнатларини рақамли платформалар орқали таклиф қилиш ҳолатлари тобора кўпаймоқда. Сиёсатчи, бизнес лидерлар ва ишчилар учун бундай ўзгаришлар эришилиш мумкин бўл-

ган фойда билан бир қаторда муайян ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

Ишсизлик ва тўлиқ бўлмаган бандлик кўрсаткичлари бутун дунё мамлакатлари бўйича юқори. Дунё бўйлаб меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг 30-45 % етарли даражада меҳнат бозорига жалб этилмаган, яъни ёки ишсиз, ёки тўлиқ бўлмаган шаклда банд, ёхуд умуман иқтисодий фаол эмас. Бу кўрсаткич АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Бразилия, Хитой ва Ҳиндистоннинг ўзида 850 млн. кишини ташкил этади.

Мамлакат ҳукуматлари томонидан асосий эътибор аксарият ҳолларда ишсизларга қаратилади, лекин тўлиқсиз иш билан бандлик ва умуман олганда иқтисодий нофаоллик масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Дунё бўйлаб 75 млн. ёшлар расмий равишда ишсиздир. Шу билан бирга мавжуд салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаган аҳоли гуруҳи сифатида аёллар намоён бўлиб, бутун дунё бўйича иқтисодий фаол аёллар сони эркакларга нисбатан кам бўлиб, ушбу фарқ абсолют миқдорда 655 млн. кишини ташкил этади[5].

Республикада аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш из-

лаётган муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган [1].

Сўнги йилларда республикада ва ҳудудларида меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни чуқур таҳлил қилиш асосида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, янги барқарор иш жойларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари учун иш ўринлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ташкил этилаётган янги иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанат бузилишига, республикада баъзи ҳудудларида ишсизлик даражасининг ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда.

Меҳнат бозоридаги шиддатли ўзгаришлар таълим тизими учун ҳам кўп шартларни қўймоқда. Таълим тизимининг меҳнат бозори талаблари доирасида кадрларни тайёрлашда ортда қолаётгани кузатилади. Шу сабабли қўплаб давлатларда иш берувчилар орасида ўтказилган сўров натижалари асосида таълим муассасалари битирувчилари орасида уларга керакли малакага эга бўлган кадрларнинг етишмаслиги аниқланади.

Мисол учун, McKinsey томонидан дунёнинг тўққизта давлатида ёшлар ва иш берувчилар орасида ўтказган сўров натижалари, иш берувчиларнинг 60 % янги битирувчиларнинг меҳнат бозорига тайёр эмаслигини билдирган. Техник малаканинг етишмаслиги, яъни аниқ фанлар, технология, муҳандислик ва математика соҳаларида чуқур билимга эга эмасликлари билан бирга мулоқот, гуруҳда ишлаш, жавобгарлик, берилган вазифаларни ўз вақтида бажариш каби кўникмаларнинг ҳам етишмаслиги билдирилган.

Ўзбекистонда ҳам меҳнат бозоридаги малакали кадрлар ҳолатини баҳолаш жиҳатидан, 2018 йилнинг 25 март - 5 апрель кунлари Олий Мажлис Сенати, Савдо саноат

палатаси ва БМТнинг ривожлантириш дастури ташаббуси билан мамлакатимиз минтақаларида ишбилармонлик ва инвестиция муҳитининг ҳолати бўйича тадбиркорлик субъекти вакиллари, маҳаллий хокимликлар, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари раҳбарлари орасида ўтказилган сўров натижалари республикада малакали кадрларнинг етишмаслиги иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг фаол оқими асосий тўсиқ сифатида баҳоланди [2, 80-84 бет]. 2013 йилда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам шунга ўхшаш натижаларни кўрсатган. Унга кўра, республикада фаолият юритаётган саноат корхоналарининг ярмига яқини (49%) меҳнат бозорида олий маълумотга эга бўлган малакали кадрлар сони етарли эмас эканлигини билдирган [3, 39 бет].

Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий шакли меҳнат бозорида муваффақиятли равишда фаолият юритишни истовчилардан ўзига хос бир қатор хусусиятларини талаб қилади: Биринчидан, замонавий меҳнат бозорида талаб этиладиган билим, малака, кўникмаларнинг шаклланиши расмий таълим босқичлари доирасидагина эмас, балки бутун ҳаёт давомида (life long learning) амалга оширилишини талаб этади. Ўрта асрларда технологияларнинг алмашинуви 100 йилда бир марта рўй берган бўлса, кейинчалик технологиялар ва билимларнинг янгиланиш цикли 50-20 йилга тушди, бугунги кунда эса 3-5 йилни ташкил этмоқда, баъзи тармоқларда эса ундан ҳам қисқа. Натижада бугун ўқишга кирган талабанинг олган билимлари битиргунига қадар ўз қийматини йўқотиши мумкин. Шу сабабли бу ўз навбатида билимларнинг доимий янгиланиши ва янги касб ва мутахассисликларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ БМТ томонидан тарғиб этилган бутун ҳаёт учун эмас, балки, бутун ҳаёт давомида таълим олишни назарда тутати.

Иккинчидан, замонавий иқтисодий тараққиёт шароитида янги билим ва малакаларни тўплаш эмас, балки уларни меҳнат фаолияти давомида ижодкорона қўллаш малакаси (қобилияти), яъни янги ноу-хауларни, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга, шу сабабли, таълим билан ишлаб чиқариш фаолиятининг узвий боғлиқлигини таъминлаш асосида кадрларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади;

учинчидан, нафақат алоҳида ходим, балки бутун ишчи жамоанинг ижодкорлик қобилиятларини фаоллаштириш;

тўртинчидан, жаҳон иқтисодиётида хизматлар соҳаси етакчилик қилган даврда ходимларнинг муомала қилиш кўникмалари муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда мавжуд иш ўринларининг катта қисми айнан мижозлар билан муомала қилишни назарда тутувчи хизматлар соҳасига тегишли бўлган. Ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши ёшларда оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларининг сифатида салбий таъсир ўтказмоқда. Музокараларни бугунда глобаллашиб бораётган жаҳон иқтисодиёти тақозо этаётгандек, кўпмиллатлилик, кўпмаданиятлилик шароитида турли хил хорижий тилларда самарали олиб бориш, мижозларни ўзига жалб этиш, мустақкам алоқаларни ўрнатишда айна шу кўникмага эгалик қилиш;

бешинчидан, доимий иқтисодий ва технологик ўзгаришларга тез мослаша олиш қобилиятини талаб этади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида технологияларнинг ривожланиши кўпгина иш жойларининг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлиши билан бирга, янги касб ва иш жойларининг пайдо бўлиши, шунингдек, даромад олишнинг янги имкониятларининг пайдо бўлишига замин яратади. Сўнгги 25 йил давомида АҚШда яратилган янги иш жойларининг учдан бир қисми илгари мавжуд бўлмаган иш ўринлари бўлиб, информацион технологияларнинг ривожланиши, асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқарилиши, ахборот технология тизимлари бошқариш ва илова-ларни яратиш соҳасига тўри келган. McKinsey тадқиқотларига кўра, сўнгги 15 йил давомида интернетнинг ривожланиши туфайли Францияда 500 минг касбларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлиб, лекин бир вақтнинг ўзида 1,2 млн.га яқин янги касбларни вужудга келишига сабаб бўлган. Яъни йўқолиб кетган битта касб ўрнига 2,4 та янги касб пайдо бўлган [5].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг меҳнат бозоридаги иқтисодий фаоллик даражасини оширишнинг йўналишларидан бири сифатида ўрта махсус ва олий профессионал таълимнинг имконлигини ошириш билан бирга, унинг мазмун моҳиятининг замонавий меҳнат бозори талаблари доирасида мослаштириш муҳим аҳамият касб этиши маълум бўлади. Хусусан, олий таълим муассасалари битирувчиларини меҳ-

нат бозорида иш изловчи сифатида эмас, балки янги иш жойларини яратувчи сифатида намоён бўлишига қаратилган таълим тизимини шакллантириш, шунингдек, бошқа тизимли тадбирларни талаб этади. Бунинг долзарблиги Республикада шаклланган ва узоқ муддатда ҳали давом этиши прогноз қилинаётган демографик вазият билан белгиланади. Ўзбекистон шароитида аҳоли сони ўсиши, хусусан, ёш-жинс таркиби бўйича мақбул вазият ёки демографлар таърифига кўра «демографик имкониятлар дарчаси» шаклланганидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишга туртки бўладиган омил сифатида фойдаланиш мумкин.

Мамлакат аҳолисининг иқтисодий фаоллик даражасини ошириш йўналиши сифатида деярли барча мамлакатларда бу бўйича ҳанузгача улкан салоҳият мавжуд бўлган аҳоли гуруҳи, яъни аёлларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга йўналтирилган ҳаракатларни келтириш мумкин. Жаҳон тажрибаси ва таҳлиллар хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллик даражаси анъанавий равишда эркакларникига қараганда паст эканлигини тасдиқлайди. Сўнгги йилларда аёллар ўртасидаги глобал иқтисодий фаоллик ўртача 50 %ни ташкил этди. Республикада сўнгги йилларда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллик даражаси анча ошган бўлса-да, бу кўрсаткич 68-69 %ни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги умумий бандларнинг аёлларнинг улуши 82 %дан кўпроқ, фан, таълим ва тарбия, маданият ва санъат соҳаларида - 72 %, қишлоқ хўжалигида - 25 %дан кўпроқ, санатда - 38 %, тадбиркорлик субъектлари таркибида - 29 %ни ташкил этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг “ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт” [4], деб таъкидлаганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Сўнгги уч йил давомида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ хотин-қизларнинг аҳолини тубдан яхшилашга оид 20 та меъёрий ҳужжат қабул қилинди ва ижрога юборилди. Иккита янги қонун қабул қилинди – асосий мақсади аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш-

га қаратилган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган № ЎзРҚ-562-сон Қонуни ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2019 йил 2 сентябрдаги, № ЎзРҚ-561-сон Қонунидир.

Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун - 2019” тадқиқотига кўра, дунёда фақат олтита давлатда аёл ва эркакларнинг гендер тенглигига эришилган бор. Булар деярли 100 баллга эриша олган Белгия, Дания, Франция, Латвия, Люксембург ва Швециядир. Энг юқори кўрсаткичлар Австрия, Канада, Эстония, Финляндия, Греция, Ирландия, Португалия, Испания ва Буюк Британия (барчаси 97,5), ва энг паст кўрсаткичлар Саудия Арабистони, БАА, Судан, Эрон ва Қатарда 32 баллдан кам. Ўзбекистон 70,6 балл тўплади. Тадқиқотда собиқ иттифоқ давлатлари орасида Ўзбекистон охириги ўринларни эгаллади - Литва 93,7 балл, Тожикистон - 81,8, Грузия - 79,3, Украина, Озарбайжон ва Белорусия - 78,7, Қирғизистон - 76,8, Қозоғистон ва Арманистон - ҳар бири 75,6, Россия - 73,1 [6].

94 та мамлакат бўйича маълумотларнинг таҳлили аёлларнинг ҳудудий ҳаракатланиши, яшаш жойини мустақил равишда танлаш бўйича қонуний жиҳатдан тўсиқларнинг мавжудлиги уларнинг меҳнат билан банд бўлиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишга салбий таъсир кўрсатиши аниқланган [7]. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича максимал балл, яъни 100 балл олган. Бу индикатор бўйича республикада муаммо йўқлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Муайян касбларда меҳнат қилиш бўйича тўсиқлар, тунги вақтда ишлаш бўйича чегараларнинг мавжудлиги аёллар иқтисодий фаоллигига салбий таъсир этади деб, топилган. Ушбу мезон бўйича Ўзбекистондаги ҳолат 50 балл сифатида баҳоланган. Лекин бизнинг фикримизча, аёлларнинг жисмоний хусусиятларидан келиб чиқиб, баъзи меҳнат фаолият турлари бўйича муайян чекловларнинг мавжудлиги, аслида аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг камситилиши эмас, балки уларнинг ҳимояланиши сифатида тушуниш лозим.

Аксарият давлатларда турмушга чиққан ва фарзанди бор аёллар меҳнат бозорида иштироки чекланади. Туғруқ ва фарзанд парваришlash билан боғлиқ нафақаларнинг

амал қилиши аёлларнинг иқтисодий фаоллигига таъсири турли давлатларда турлича эканлиги кузатилган. Бундай ҳолат, бу каби нафақаларнинг пул миқдоридagi ҳажми ва унинг тақдим этилиш муддати билан белгиланади. Мамлакатда хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар, уларга қонунан тақдим этиладиган ва ҳимоя қилинган эгаллик ҳуқуқлари, меҳнат фаолиятига доир бериладиган пенсия миқдори ҳам аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокига таъсир этиши аниқланган. Мисол учун, Ҳиндистонда аёлларга эркаклар билан бир қаторда бир хил мерос олиш ҳуқуқининг қонунан жорий этилиши уларнинг меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифининг ортишига олиб келган [8]. Хитойда аёлларнинг эркакларга нисбатан вақтлироқ пенсияга чиқиш тартиби, 60 ёшдан катта аёлларнинг турмуш даражасининг тушиб кетиши сабаб деб топилган [9].

Фикримизча, аёлларнинг, хусусан ёш болали аёлларнинг меҳнат бозорида иқтисодий фаоллигини ошириши мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- аёлларнинг, хусусан қишлоқ жойлардаги хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имкониятларни янада кенгайтириш;

- таълим тизимидаги ислохотларни ҳисобга олган ҳолда, яъни 11 йиллик умумий мажбурий таълим тизимига ўтилиши муносабати билан хотин-қизларнинг ўрта махсус ва олий таълим олишлари учун молиявий, ҳудудий, имкониятларни кенгайтириш;

- аёлларнинг 3 ёшгача фарзандни парваришlash таътилидан кейин меҳнат бозорида мослашишини осонлаштириш шунингдек, таълим ва оилавий мажбуриятларни уйғунлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида бандлик хизмати органлари томонидан касб таълими ва қўшимча касб-хунар таълими бўйича давлат масофавий хизматларини ташкил этиш;

- болаларнинг вақтинча онасининг иш жойида бўлишларини таъминловчи хоналар ва махсус тарбиячи ёки энагаларга эга бўлган “коворкинг”ларни ташкил этиш. Коворкинглар аёлларга бир вақтнинг ўзида эркин иш жадвали асосида ишлашга ва турли сабабларга кўра мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган болани парвариш қилиш имконини яратади. Бундай тадбир фарзанд парваришlash бўйича таътилдаги аёл-

лар учун болани парваришlash билан бирга иш билан банд бўлишни уйғунлаштиришга ёрдам беради;

- бола парваришlash таътилида бўлган аёлларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, ишламайдиган оналарга 2 ёшгача бўлган болани парваришlash учун ойлик нафақаларни бериш тизимини тиклаш.

Мамлакат аҳолисининг меҳнат бозоридаги иқтисодий фаоллик даражасини ошириш ва ишсизликни қисқартириш йўналиши сифатида ўз-ўзини мустақил иш билан бандликни рағбатлантириш ва бунинг учун шарт-шароитларни яратиш юзага чиқиши мумкин.

Ўз-ўзинини банд қилиш масалаларига бағишланган аксарият адабиётларда келтирилишича, у ёки бу турдаги бизнес эгаларининг фарзандлари орасида ўзининг бизнесига эга бўлмаган ота-оналар фарзандларига нисбатан ўз-ўзини банд қилиш даражаси сезиларли даражада, яъни икки-уч баробар юқоридир. Ўзининг бизнесига эга бўлганларнинг ҳам аксарият қисми ўз бизнесини бошлашдан аввал оила аъзоларининг бизнесида фаолият юритганлар ҳиссасига тўғри келади.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши иш билан бандлик муаммоларини ҳал этиш билан бирга, оила аъзолари учун қўшимча даромад таъминлаш манбаи ҳамдир. Оилавий тадбиркорлик ёрдамида ишини йўқотган ва вақтинча ишсиз бўлган оила аъзолари, фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар, қариялар қабиларнинг иш билан банд бўлишлари учун шароит яратилади.

Жаҳон иқтисодиётида ва алоҳида мамлакатларда оилавий бизнесни ривожлантириш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда фикримизча, республикада оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланнаётганларга бизнеслари учун қимматли бўлган ахборотларни етказиш, малака оши-

риш, бизнес стратегияларини ишлаб чиқиш, бизнес масалаларнинг ечимини излашда кўмаклашиш, форумлар, давра суҳбатларни ташкил этиш ва бошқа кўринишдаги амалий ёрдам берувчи ташкилот тузиш. Мисол учун Ўзбекистон оилавий тадбиркорлик Ассоциацияси кўринишида бўлиши мумкин;

- “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритиш, яъни унга кўра “оилавий корхона” кичик тадбиркорлик субъекти сифатидаги чекловларни бекор қилиш, фикримизча, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, мулкдорларнинг ўрта синфни кенгайтириш, солиқ тушумлари ҳисобига давлат ва минтақавий бюджетга тушумларни кўпайтириш имконини яратади.

Умуман олганда, фикримизча, республикада аҳолининг иқтисодий фаоллик даражасини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишларда тадбирларни чуқурлаштириш лозим:

- Тадбиркорликни ва хусусан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирларни кенгайтириш;

- Аёлларни меҳнат бозорига жалб этиш самарадорлигини баҳолаш асосида уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Инклюзив иш билан бандлик, яъни имконияти чекланган инсонларни меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун шарт-шароитларни такомиллаштириш;

- Меҳнат бозоридаги кадрларга бўлган талабга мос равишда кадрларни тайёрлаш мақсадида таълим муассасаларининг давлат ва бизнес орасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- Тартибга солинувчи ва давлат томонидан кафолатланган ишчи кучи экспортини кенгайтириш;

- Ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш тизимини халқаро манбалар, ҳамда давлат хусусий шерикчилик тамойиллари асосида ривожлантириш.

Манба ва адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони <http://lex.uz/docs/3107036>
2. Ахмедов Д.К. Бизнес настроение в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата // Экономическое обозрение №5 (221), 2018.
3. Систематическая диагностика страны по Узбекистану. Отчёт №106454. 20 мая 2016 г. Документ Всемирного банка.
4. <http://senat.uz/uz/lists/view/741>
5. Manyika J. Technology, jobs, and the future of work. May 2017. McKinsey & Company Executive Briefing <https://www.mckinsey.com/MGI-Future-of-Work-Briefing-note-May-2017.ashx>

6. World Bank 2019. *Women, Business and the Law 2019. A decade of reform.* <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/31327/WBL2019.pdf>
7. Islam, A., S. Muzi and M. Amin (2018) "Unequal Laws and the Disempowerment of Women in the labour Market: Evidence from Firm-Level Data", *Journal of Development Studies*. doi: <http://dx.doi.org/10.1080/00220388.2018.1487055>
8. Heath, R. and X. Tan (2018) "Intrahousehold Bargaining, Female Autonomy, and Labor Supply: Theory and Evidence from India", *Working paper*
9. Lee, H., K. Zhao and F. Zhou (2017) "Does the Early Retirement Policy for Women Really Benefit Women?" *Working Paper.*, Roy, Sanchari. 2019. *Discriminatory Laws Against Women : A Survey of the Literature (English)*. Policy Research working paper; no. WPS 8719. Washington, D.C. : World Bank Group. <http://documents.worldbank.org/>

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТУҒИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Отақўзиева Сурайё Алишеровна –
ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари" ИТМ, кичик илмий ходим

Аннотация: Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг туғилиш жараёнидаги ўзгаришлар мавжуд статистик маълумотлар, ҳамда ушбу муаммо ўрганган манбаларга асосланиб таҳлил этилган. Туғилишнинг умумий, махсус ва ёш бўйича коэффициентлар даврий ўзгариши кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: табиий ўсиш, умумий туғилиш коэффициенти, туғилишнинг махсус коэффициенти, туғилишнинг ёш бўйича коэффициенти.

Аннотация: В статье рассмотрены изменения по рождаемости населения Узбекистана за годы независимости опираясь на имеющиеся статистические данные и публикации по проблемам рождаемости. Проанализированы периодические изменения в общей, специальной и возрастных коэффициентов рождаемости.

Ключевые слова: естественный прирост, общий коэффициент рождаемости, специальный коэффициент рождаемости, возрастной коэффициент рождаемости.

Abstract: The article deals with the situation of the birthrate in Uzbekistan over the years of independence based on available statistical data and publications on fertility problems. Analyzed periodic changes of the crude, general and age-specific birthrates.

Key words: natural population growth, total fertility rate, special fertility rate, age fertility rate

Аҳолининг такрор барпо бўлиш қонуниятларини билиш ва уларни ҳисобга олиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва демографик сиёсатининг муҳим йўналишларини ишлаб чиқишдаги асосий мезон ҳисобланади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари асосида авваломбор, туғилиш ва ўлим каби биологик жараёнлар ётади. Ушбу жараёнларнинг биологик томонини тиббиёт, биология, генетика каби табиий фанлар ўрганса, демография фани уларнинг ижтимоий-биологик моҳиятини талқин қилади. Мазмунан бир-бирига зид (туғилиш ва ўлим), аммо ўзаро боғлиқ ушбу тушунчалар умумий аҳоли сони динамикасини тавсифлайди ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Ўзбекистон – аҳолиси ўсиб бораётган мамлакат ҳисобланади. Бу ўсиш асосан табиий кўпайиш ҳисобига амалга ошмоқда, яъни кўп йиллар давомида мамлакатимиз аҳолиси туғилиш даражасининг юқорилиги ҳисобига кўпаймоқда (1-расм).

Туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари кўп жиҳатдан мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Мустақиллик йилларида ўлим кўрсаткичининг мунтазам равишда пасайиб бориши аҳолининг барча ёш гуруҳларида кузатилди. Бунинг мезонида республикамизда кўп йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан оналар ва болалар соғлини яхшилаш борасида босқич-ма-босқич олиб борилаётган ислохатлар ётибди. 1991-2018 йй. оралиғида умумий ўлим кўрсаткичи 6,3 %одан 4,7 %ога қисқарди. Шуни таъкидлаш жоизки, туғилиш доимо макон ва замонда, турли шарт-шароитда, хилма-хил омиллар, сабаблар туфайли ўзгариб туради. Туғилиш даражаси аҳолининг моддий ва маънавий ривожланганлик ҳолати, турмуш шароити, никоҳга кириш ёши, аёлларнинг қайси соҳада бандлиги, болалар туғилишининг оилада чекланиши ҳамда Давлат дастурларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқликда кечади[2].